

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Кредит-иқтисод”**

факультети

Декани О. Сатторов _____
“ _____ ” _____ 2013 й.

“БАНК ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

САФАРОВ ФАРХОД ФАЙЗИЛЛА ЎҒЛИ

**ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗДОРЛИКЛАРИ
КАМАЙТИРИШ ВА УНИ АҲАМИЯТИ**

**5340700- “Банк иши” йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш
учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

“Банк ҳисоби ва аудит”

кафедраси мудир

_____ и.ф.н.проф. Т.Каралиев
“ _____ ” _____ 2013 й.

Илмий раҳбар:

_____ Катта ўқит. Т.Болтаев

“ _____ ” _____
2013 й.

ТОШКЕНТ - 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I -БОБ. ТЎЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ	7
1.1. Тўлов тизими моҳияти ва ташкил қилиниши	7
1.2. Тўлов обороти ва унда қўлланиладиган ҳисоб-китоблар	15
 II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТЎЛОВ ТИЗИМИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ДЕБИТОР-КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗ- ДОРЛИКЛАР ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	 20
2.1. Ўзбекистон иқтисодий муносабатларида дебитор- кредиторлик қарздорликлар ва уларнинг таҳлили	20
2.2. Нотўловлар муаммоси ва уни бартараф этиш амалий ҳолати таҳлили	42
 III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗДОРЛИКЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ВА УНИ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ	 51
ХУЛОСА.....	58
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	61
ИЛОВА	66

Кириш

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Иқтисодиётда турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган компания ва фирмалар фаолият кўрсатиб, улар доимо бир-бири билан узвий боғлиқдир. Чунки корхона ва ташкилотлар бир-бирлари билан олди-сотти муносабатларини ўрнатадилар, бу муносабатлар ўзаро ҳисоб-китоблар орқали ҳал қилинади. Бу ҳисоб-китобларни ўтказиш учун маълум бир тизим мавжуд бўлиши лозим. Бу тўлов тизими арзон, қулай шу билан бирга интизомли ҳам бўлиши лозим. Агар тўлов интизоми ривожланган бўлса, унда корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий ўсиш суръати ҳам ошиб боради.

2012 йилда Ўзбекистонда **96,6** трлн. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилиб, унинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан **8,2** фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари:

- иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги;

- фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида фаол инвестиция сиёсатининг юритилаётганлиги;

- бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган дастурий вазифаларнинг ўз вақтида бажарилаётганлиги;

- реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодиётда солиқ юкини пасайтириш ва бошқа қатор имтиёзларнинг жорий этилаётганлиги;

- молия-банк тизимига берилаётган эътибор ва унинг натижасида соҳанинг барқарор ривожланиб бораётганлиги эвазига эришилмоқда.

2012 йилда **саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан **7,7** фоизга ошди ва **50,7** трлн. сўмни ташкил этди. Саноатда юқори ўсиш суръатлари озиқ-овқат (ўсиш суръати 6,5 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (12,4 фоиз), қурилиш материаллари (11,0 фоиз) ҳамда енгил саноат (12,0 фоиз) тармоқларида кузатилди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ёқилғи ҳамда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатларининг улуши юқори бўлиб, мос равишда 18,3 ва 17,0 фоизни ташкил қилди.

2012 йилда **қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини** ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилга нисбатан **7,0** фоизга ошиб, **24,4** трлн. сўмни ташкил қилди.

Хусусан, деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш 7,0 фоизга, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш эса 7,1 фоизга ошди. Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоизга ўсиб, 7,9 трлн. сўмни ташкил қилди.

Ўтган йилда **кўрсатилган хизматлар ҳажми** 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52,0 фоиздан зиёдни ташкил қилди.

Жумладан, молиявий хизматлар (17,6 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (24,5 фоиз), туризм (17,6 фоиз), маиший (21,5 фоиз) ҳамда савдо ва умумий овқатланиш (16,1 фоиз) хизматларини кўрсатиш юқори суръатларда ўсди.

Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чоратadbирлар натижасида ўтган йилда **чакана товар айланмасининг** 2011 йилга нисбатан 13,9 фоизга ўсиши кузатилди¹.

Ушбу битирув малакавий ишини айнан “**Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари камайтириш ва уни аҳамияти**”

¹ Президент Ислон Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устивор йуналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси.

мавзусида олинишининг сабаби, шуки хозирги кунда нотўловлар муаммосини бартараф этиш ва бунда тижорат банкларининг ролини ошириш, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтириш орқали корхона ташкилотларнинг моливий барқарорлигини таъминлаш ва шу орқали Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш масалаларини ўрганишдир.

Битирув малакий иши мақсади. Нотўловлар муаммосини ўрганиш ва уларни бартараф этиш, ҳамда Ўзбекистонда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакий иши вазифалари. Юқорида таъкидлаганлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу битирув малакавий ишига қуйидаги асосий вазифалар қўйилган:

- Тўлов тизими моҳияти ва ташкил қилинишини баён қилиш;
- Тўлов оборотида қўлланиладиган ҳисоб-китобларнинг моҳияти ва унинг ролини тавсифлаш;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар моҳияти ва унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини молиявий таҳлили орқали уларни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда нотўловлар муаммоси ва уни бартараф этиш масалалари умумий тавсифи;
- Ўзбекистонда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайириш ва уни иқтисодий аҳамияти тадқиқ қилиш.

Битирув малакий иши объекти. Ўзбекистон корхона ва ташкилотларининг тўлов муносабатлари ва тўлов тизими.

Битирув малакий иши предмети. Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтириш ва унинг аҳамиятини ошириш масалаларини ўрганиш.

Мавзунинг назарий- амалий аҳамияти. Битиру малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар ва уларни камайтириш масалаларини ўрганилиши, ушбу

мавзуга оид фанларнинг илмий мазмунини бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар мамлакатимиз иқтисодий муносабатларида иштирок этувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, тўлов интизомини ривожланишига олиб келиши кўзда тутилган.

Мавзуни назарий томонини ёритишда Ўзбекистон, Россия ва Ғарбда чоп этилган адабиётлар ва журналлардан фойдаланилди ва муаллифлар фикрлари ўрганиб чиқилди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларидан, Олий Мажлисдаги сўзлаган маърузалардан ва амалдаги қонун ҳужжатларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий иши таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат.

I -боб. Тўлов тизими ва уни ташкил қилиниши

1.1. Тўлов тизими моҳияти ва ташкил қилиниши

Республикамизда банк тизими ва унинг фаолияти жаҳон андозаларига тобора яқинлашиб бормоқда. Банк тизимини эркинлаштириш ва эркин рақобат шароитига мослаштириш кўзда тутилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва уни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони чиқарилиб, унда «Молия-банк тизимини ислоҳ қилиш сиёсатини такомиллаштириш, унинг кўпроқ аниқ-ойдинлигини таъминлаш, иқтисодиётда тўловлар ва ҳисоб-китоблар механизмни мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши» лозимлиги белгилаб берилган эди. Бу вазифанинг бажарилиши айнан тўлов тизими билан боғлиқдир. Шунинг учун, аввало, тўлов тизими тушунчасини кўриб чиқамиз.

Иқтисодиётда турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган компания ва фирмалар фаолият кўрсатиб, улар доимо бир-бири билан узвий боғлиқдир. Чунки корхона ва ташкилотлар бир-бирлари билан олди-сотти муносабатларини ўрнатадилар, бу муносабатлар ўзаро ҳисоб-китоблар орқали ҳал қилинади. Бу ҳисоб-китобларни ўтказиш учун маълум бир тизим мавжуд бўлиши лозим. Агар ўзаро ҳисоб-китоб қилаётган фирмага битта банк хизмат кўрсатса, тўловлар жуда тез ва содда схемада ўтказилади, яъни ҳисоб-китоблар бир банкнинг ичида бажарилиб, бир корхона ҳисобварағидан иккинчи корхона ҳисобварағига маълум бир суммани ўтказиш орқали бажарилади. Агар ҳисоб-китоб қилаётган фирмалар турли банк хизматидан фойдалансалар, у ҳолда, тўловни бир банкдан иккинчи банкка ўтказиш учун маълум бир тўлов тизимидан фойдаланишга тўғри келади. Бу тўлов тизими арзон, қулай шу билан бирга хавфсиз ҳам бўлиши лозим. Агар тўлов тизими ривожланган бўлса, ундан фойдаланиш суръати ҳам ошиб боради.

Тўлов тизимлари турли шаклларда ташкил этилади, лекин уларнинг мақсади доимо битта, яъни аҳолига ва хўжалик субъектларига ўз пул маблағларини бир банкдаги ҳисобварақдан бошқа банк ҳисобварағига тез ўтказиб беришни таъминлашдир. Тўловчи ва тўловни оловчи учун, муқобил йўл бўлиб нақд пул орқали ҳисоб-китоб қилиш, ёки бартер бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳисоб-китоблар кўп ҳолларда чекланган бўлади.

Тўлов тизимидан банклар ҳам фойдаланадилар. Банклар тўлов тизимидан ўз фаолиятлари билан боғлиқ операциялар бўйича пул ўтказишда, шу билан бирга мижозларнинг операциялари бўйича пул ўтказишда фойдаланадилар.

Қандай шаклда фойдаланишдан қатъий назар тўлов тизими ўз ичига 4 босқични олади.

1-босқич - тўловнинг бошланиши, яъни тўловчи ўз банкига пулни ўтказиб бериш тўғрисида топшириқ беради.

2-босқич - тўлов тизимининг иштирокчи банклари ўртасида тўлов ҳужжатларининг алмашиши, кўпинча бу операция клиринг деб юритилади.

3-босқич - тўлов тизимининг иштирокчи банклари ўртасида ҳисоб-китоб ўтказиш, яъни тўловчи банки пул ўтказиб бериши лозим. Бундан ташқари, банклар учинчи иштирокчи орқали, унда ўз ҳисобварақларини очиш орқали ҳисоб-китоб қилишлари мумкин. Бу ҳолда кўпинча учинчи томон ролини Марказий банк бажаради.

4-босқич – тўловларни қабул билан боғлиқ операцияларни якунлаш.

Тўлов тизими турли олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Масалан, Брюс Саммерснинг фикрича, иқтисодий фаолиятни ташкил этиш натижасида пайдо бўлган мажбуриятларни ушлаб туриш учун пулли тўловларни ўтказишда ишлатиладиган маблағлар йиғиндисига тўлов тизими дейилади.

Бу талқинда асосий ўрин маблағларга берилаяпти, бунинг учун нақд ҳамда нақдсиз пуллардан фойдаланилади. Юқоридаги талқиндан яна шундай

хулосага келиш мумкинки, тўлов тизими мажбуриятларни ушлаб туриш имкониятини беради. Нақдсиз пуллардан фойдаланиладиган тўлов тизимида маълум бир тўлов воситалари ишлатилади, яъни маблағларни ўтказиш учун қоғоз ҳужжатлар, ёки электрон ҳужжатлар ишлатилади. Жаҳон банки мутахассисларидан яна бири О.Маргарет тўлов тизимига қуйидагича таъриф берган. «Тўлов тизими бу - пул маблағларини ўтказиш механизмидир». Тўлов тизимига яна бир таъриф Россиянинг иқтисодчиси М.П. Берёзина томонидан берилган бўлиб, унга кўра «мамлакатнинг тўлов тизими - бу иқтисодий фаолият натижасида юзага келувчи қарз мажбуриятларининг бажарилишини таъминловчи, қонуний бошқариловчи элементлар йиғиндиси». Бу таъриф мазмунан Брюс Саммерс таърифига яқинроқ эканлигини кўриш мумкин, яъни бу икки таърифда «... юзага келган мажбуриятлар...» деган тушунча ишлатилган. Демак, бу таърифларда товар ва хизматлар қийматини тўлаш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар, шу билан бирга молиявий мажбуриятлар ҳам кўзда тутилган. Молиявий мажбуриятлар давлат бюджети олдидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари деб қарайдиган бўлсак, унда барча нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, жумладан, банкларнинг давлат бюджетини кассавий ижро этиш операцияларининг бажарилишини тўлов тизими орқали амалга оширилишини кўришимиз мумкин.

Бир қатор таърифларни кўриб, улар тўғрисида мушоҳада юритиш натижасида тўлов тизимига умумий қилиб қуйидаги таърифни берамиз: «Тўлов тизими - иқтисодий фаолият натижасида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича субъектлар ўртасида пул маблағларининг қонун-қоидалар асосида ҳаракатланишини таъминловчи дастур, ёки механизмидир».

Бизнинг фикримизча, бу механизмни ҳаракатга келтириш учун иштирокчилар, механизм олдига қўйилган ҳуқуқий талаблар, тўлов воситалари ёки қуроллари керак бўлади.

Тўлов тизимини биз иккита катта гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. Макродаражадаги тўлов тизими;

2. Микродаражадаги тўлов тизими.

Бутун дунё микёсида оладиган бўлсак макродаражадаги тўлов тизимига мисол тариқасида биз бутун дунё тўлов тизимини ва микродаражадаги тўлов тизимига эса бир мамлакатнинг тўлов тизимини келтиришимиз мумкин.

Тўлов тизимига механизм сифатида қараб, унинг олдида қўйилган бир қатор талабларни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, тўловчи ва пул олувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгиланган бўлиши керак;

Иккинчидан, пул маблағларининг ўтказилиши ҳуқуқий томондан белгиланган бўлиши лозим, яъни қонун билан мустаҳкамланган тартиблар амалиётга тўла тадбиқ этилиши лозим;

Учинчидан, кўпчилик томонидан қабул қилинган бўлиши керак;

Тўртинчидан, кам харажатли бўлиши, таннарх ҳисобга олиниши лозим;

Бешинчидан, йўқотишлар ва қонунбузарликларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Агар юқоридаги санаб чиқилган талабларга жавоб берса, бундай тўлов тизими муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин.

Кўпгина чет давлатларда тўлов инструментларини танлашдан аввал бир қатор саволлар ўйлаб кўрилади. Ҳар бир конкрет операция бўйича алоҳида саволлар ечими топилади.

Масалан:

1. Бу операция шу ернинг ўзида (дўкон, супермаркет) бажариладими ёки операцияни яқунлаш учун маълум вақт керак бўладими?

2. Тўлов суммасининг миқдори катта ёки кичикми?

3. Тўлов маҳаллийми, шаҳарлараро ёки халқароми?

4. Бу операция доимийми (1 ой, квартал, йил) ёки бир

5. Тўлов кафолати қандай?

Бундай саволларни ҳар бир конкрет операция бўйича иштирокчилар ўйлаб, вазиятни таҳлил қилиб ўзларига қулай бўлган вариантни, қулай бўлган тўлов инструменти танлайдилар. Бу эса шартномада мустаҳкамлаб қўйилган.

Кўп йиллар давомида тўлов тизимининг иши Марказий банкнинг актив қизиқиш соҳасига кирмас эди. Унга «кўзга кўринмас» фаолият тури сифатида қаралиб, банк сиёсатининг асосий масалаларига тегишли эмасдек бўлиб ҳисобланарди. Ҳозирги кунда бундай эътибор тубдан ўзгарди. Охириги 15-20 йил ичида кўп давлатлар, асосан бозор иқтисоди ривожланган давлатлар иқтисодиётида қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин:

Биринчидан, банк ўтказмаларининг сони ва ўтказилаётган маблағларнинг ҳажми ортиб бориши натижасида тўлов тизими оборотининг бекиёс даражада ўсиши. Бу эса, биринчи навбатда бутун дунёда моливий бозор активлигининг ўсишига ва тўловларнинг тезлашувига ёрдам берди.

Иккинчидан, тўлов тизими ичида пул маблағларининг бир жойдан иккинчи жойга тез ўтишини таъминловчи техника ва технология тизимидаги катта муваффақиятларнинг қўлга киритилиши. Тўлов тизимидаги янги технологияларнинг яратилиши ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши тўловларнинг бир неча дақиқада бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ўтказиб бериши учун шароит яратди.

Бу эса, ҳозирги тўлов тизимининг бозор иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролининг бекиёс эканлигини кўрсатади. Умумий қилиб айтганда, тўлов тизими иқтисодиёт молиявий инфратузилмасининг ҳаётий муҳим элементи, иқтисодиёт самарадорлигига таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга пул-кредит сиёсати орқали иқтисодиётни самарали бошқаришни таъминловчи зарурий восита бўлиб ҳисобланади.

Тўлов тизимининг иқтисодиётда тўтган ўрни Марказий банк фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, чунки, Марказий банкнинг асосий мақсади мамлакатда пул-кредит ва молиявий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар тўлов тизими асосан қоғоз кўринишидаги почта ҳисоб-китобларни амалга ошириб берадиган тизим эди. 1990 йилларгача собиқ Иттифок иқтисодиёти чекланишлар йўқ эди. Филиаллараро ҳисоб-китоблар йил охирида марказда яқунланарди. Йил давомида эса филиаллараро оборотлар юритиладиган ҳисобварақлар орқали пул ўтказиш операциялари почта ёки телеграф авизолари орқали амалга оширилар эди. Кредит ресурслари марказдан ҳисобга олиниб, режалаштириб бориларди.

1991 йилдан бошлаб бу камчиликларни тугатиш мақсадида Ўзбекистонда банклараро ҳисоб-китобларга ўзгаришлар киритила бошланди. Бу даврда Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблари қалбаки авизолар ҳисобига бузилди ва тўлов тизими издан чиқди.

Мавжуд тизим талабга жавоб бермай қолгани боис, Республика Марказий банки янги электрон тўловлар концепциясини ишлаб чиқди. Ушбу концепцияга биноан электрон ҳужжатлар кўринишида ишлаб чиқилган тўлов тизими талаб ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши лозим эди ва бу вазифа кўзлангандек бажарилди. Ҳозирги вақтда яратилган электрон тўлов тизимига мувофиқ, тўлов ҳужжатларини республика миқёсида 3-5 дақиқа.

Лекин бундай муваффақиятга етгунга қадар миллий тўлов тизими бир неча босқични босиб ўтди.

Биринчи босқич 1991-1994 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда тўлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан 1991-92 йилларда Марказий банкнинг Бош ахборотлаштириш Марказида банклараро ҳисоб-китобларда электрон почта усулини яратиш устида ишланди. Шунингдек банк операцион иш кунини компьютер воситасида бажаришнинг амалий дастурини яратиш ва уларни банкларда тадбиқ этиш бўйича иш олиб борилди. 1993 йилда Ўзбекистон

Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банкда ва унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси банклараро тўловлар тизимини такомиллаштириш мақсадида Жаҳон банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан самарали фойдаланиш мақсадида халқаро танлов-тендер эълон қилинди.

1995 йил апрел ойидан бошлаб тўлов тизимини такомиллаштиришнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу босқич 1998 йилгача давом этди. Ушбу босқичда тўлов тизими ўз олдида қўйган вазифани удалади дейиш мумкин. Агар 1996 йилда ҳисоб-китоблар республика ичида 1 кунда, вилоят ичида 1 соатда яқунланган бўлса, бу вақт борган сари қисқариб борди. 1997-98 йиллардан бошлаб ҳудудлараро тўловларнинг ўтиши 15-20 дақиқани, ҳудуд ичидаги тўловларнинг ўтиши 3-5 дақиқани ташкил қилишига эришилди.

– хизмат кўрсатиш бўйича танланган технология ҳамда ишлаб чиқилган техник топшириқ бўйича банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказиш бўйича яратилаётган дастурларни ишлашга тайёрлигини текшириш мақсадида 2002 йилнинг 27 апрел куни синовдан ўтказилди. Бундан ташқари, ягона вакиллик ҳисобварағи орқали реал вақтда амалга ошираётган банкларни ўзаро узлуксиз ишлашни таъминлайдиган дастур ишга туширилди. Янги тизимга барча тижорат банклари бир йўла ўтказилмади. Аввал бир қатор банклар ушбу тизим бўйича ишлаб синаб кўрилди. Ягона вакиллик ҳисобварағи тизими орқали ишлашга АТ Саноатқурилишбанки 2002 йилнинг 15 июлида, АТ Тадбиркорбанки 20 июлида, ДАТ Асака банки 21 октябрда ўтказилди ва уларга ҳар томонлама ёрдам берилди. Ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича бошқарув ахборот тизимига ўтиш 2003 йилнинг сентябрь ойида ниҳоясига етказилди. Янги тизимга ўтишни ДТ Халқ банки ҳамда Алп пайдо бўладиган таваккалчиликларни кузатиб, уни ўз

вақтида бартараф этиш мумкин бўлди;

- банкнинг юқоридан пастга, пастдан юқорига бўлган ҳар бир жараёни тизим орқали кузатиш мумкин бўлди;

- банк филиалларининг қай бири заиф, қай бири мустаҳкамлигини таҳлил қилиш ва тез, оператив равишда чоралар кўриш имкони яратилди;

- банкнинг ягона кундалик баланси унинг ликвидлиги, таваккалчиликлари, мажбурияти, капитали қандай даражада эканлигини аниқ кўриш ва таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Тўлов тизимининг ҳозирги даражага етишида бир неча омиллар хизмат қилган.

Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари асосида оширилиши ҳам мижоз учун тез амалга ошириш қуввати жиҳатидан жуда ҳам қулай, ҳам банк учун харажат камлиги учун жуда фойдалидир. Шунинг учун, Ўзбекистонда яратилган электрон тўловлар тизими миллий тўлов тизимининг асоси бўлиб, уни ривожлантириш умуммиллий аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда, республикада тўлов тизимини мукаммаллаштириш, тўлов воситаларини ривожлантириш ва мижозларга қулай бўлган тўлиқ автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланган. «Электрон ҳамён» сифатида машҳур бўлган пластик карточкалар тўловларнинг барча туридан ҳам энг қулай тўлов воситаси сифатида тан олинган. Шунинг учун республикада бир қатор йирик банклар пластик карточкалар бозорини шакллантиришда актив фаолият кўрсатмоқдалар. Пластик карточкалар бозорини ривожлантиришда бир қанча банкоматлар ўрнатилиши, миллий валюта барқарорлиги ва мустаҳкам муҳофаза тизими каби мураккаб ишлар амалга оширилгандан кейингина маълум ижобий натижаларга эришиш мумкин.

.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жаҳон талабларига жавоб берадиган электрон усулда тўловларни амалга оширадиган миллий тўлов тизими яратилди.

1.2. Тўлов обороти ва унда қўлланиладиган ҳисоб-китоблар

Эркин рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат мулки ягона бўлмаган ҳолда, ривожланаётган турли мулкчилик шаклларига асосланган товар ишлаб чиқариш ва товар муомаласининг мавжудлигидир. Товар муомаласи мавжуд экан, у ўз навбатида корхона ва ташкилотлар ўртасида пулли муносабатларни, яъни ҳисоб-китобларни келтириб чиқаради.

Товар муомаласи ва товар айирбошлаш жараёни доимо пул ҳаракатини тақозо этади. Товар обороти пул оборотининг моддий асоси бўлиб ҳисобланади, лекин пул оборотининг ҳажми товар оборотининг ҳажмидан доимо катта бўлади.^р

Буни ушбу схемада яққол кўриш мумкин:



1-расм. Тўлов оборотининг таркибий тузилиши²

² Наврўзова К., Ортиқов О. Банк ҳисоб ва тўлов тизими. Т.ТМИ-2005 й.

Тўлов оборотининг асосий қисми нақд пулсиз тўлов оборотидан ташкил топади. Бу тўлов обороти нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизматлар кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни пул маблағларини нақд пул ишлатмасдан бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобвараққа ўтказиш орқали бажарилиши тушунилади.

Иқтисодиёт ривожланиб борган сари тўлов оборотида нақд пулсиз тўлов оборотининг улуши ортиб боради. Чунки иқтисодий тараққиётни белгиловчи омиллар нақдсиз тўлов оборотининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодий тараққиётни белгиловчи омиллар қуйидагилар:

а) саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши;

б) товар айланиши ва миллий даромад ҳажмининг ўсиши;

в) банк кредитининг айирбошлаш жараёнидаги ролининг ортиб бориши;

г) мулкчилик шаклларининг ва улар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши;

д) иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ҳисоб-китоб ишларида электрон тўлов тизимидан кенг қўламда фойдаланиш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда нафақат хўжалик юритувчи субъектлар, ҳаттоки аҳолининг ҳам нақд пулсиз тўлов тизимидаги иштироки ортиб бормоқда. Илгари Халқ банки орқали аҳолига таклиф қилинган нақд пулсиз ҳисоб-китобларининг турли шакллари билан бир қаторда пластик ва магнит карточкалардан фойдаланиш ҳам ривожланиб бормоқда. Айниқса, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан чет эл валютаси ва миллий валютада чиқарилган пластик карточкалар аҳоли ўртасида кенг ишлатилмоқда. Шу билан бирга ҳозирги кунда Асака банки, Саноат қурилиш банки ҳамда Халқ банки ва бошқа қатор банклар томонидан пластик карточкалар чиқарилиб, аҳолига таклиф қилинмоқда.

Масалан, корхона ва ташкилотлар ўз ишчи ва хизматчиларига иш ҳақи, мукофот, хизмат сафари харажатларини тўлайди, нафақахўрлар пенсия, талабалар стипендия оладилар. Бу нақд пуллар савдо дўконларида, бозорларда ишлатилади, шу билан бирга турли молиявий мажбуриятлар ва хизматлар юзасидан тўловлар ўтказилади.

Чет давлатларда нақд пулларнинг ишлатилиши билан банд бўлганларнинг 10 фоиздан камроғи ўз иш ҳақларини нақд пулда оладилар. Англияда ҳам нақд пулда иш ҳақи оладиганлар барча ишловчиларнинг 10 фоизи атрофини ташкил этади. Германия ва Канадада 5 фоизи, АҚШда эса тахминан 1-2 фоизни ташкил этади. Чунки бу давлатларда иш ҳақи пластик, кредит карточкалари ёки чекларга ўтказиб берилади.

Нақд пул ёрдамида амалга ошириладиган тўлов обороти қуйидаги ҳолларда юзага келади:

а) аҳоли томонидан давлат, хусусий, қўшма, кооператив чакана ва майда улгуржи савдо ташкилотларидан маҳсулот харид қилиниши;

б) аҳоли томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деҳқон бозорларида сотиб олинниши;

в) аҳоли томонидан озиқ-овқат ва буюм бозорларида тижоратчилардан, ҳунармандлардан ва бошқа тадбиркорлардан товарларни сотиб олинниши;

г) турли транспорт турларидан ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари хизматида фойдаланиш;


д) ишчи-хизматчилар иш ҳақининг тўланиши;

е) стипендия ва турли нафақаларнинг тўланиши;

ж) акциялар бўйича дивидентлар тўланганда;

з) лотереялар бўйича ютуқлар тўланганда;

и) суғурта тўловлари тўланганда;



2-расм. Тўлов оборотида пулнинг ҳаракати³

1. Ҳар бир корхона ўз ишчи-хизматчиларига иш ҳақи ва шунга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун банкдан нақд пул олади. Банкдаги ҳисобварақда тўрган нақдсиз пул нақд пулга айланади.

2. Корхона ва ташкилотлар бу пулларни иш ҳақи ва бошқа тўловлар кўринишида аҳолига тарқатади.

3.-4.-5. Иш ҳақи, пенсия, стипендия, мукофот ва бошқа тўловларни олган аҳолининг турли қатламлари бу пулни ўз эҳтиёжларини қондириш учун бозорда, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, маданият ташкилотларида сарфлайдилар, турли тўловлар газ, электр энергияси, телефон, солиқлар, жарималар ва ҳоказо тўловларни тўлайдилар. Деҳқонлар, хунармандлар ҳам ўзлари меҳнат қилиб топган пулларни ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида сарфлайдилар

6. Аҳолининг турли қатламларидан келиб тушган нақд пуллар дўкон ва нақд пул билан ишлайдиган бошқа ташкилотлар томонидан банкка топширилиши лозим. Чунки, ҳар бир корхона ва ташкилотга ўз оборот кассасида нақд пулни ушлаб туриш учун лимит ўрнатилади. Ушбу лимитдан ортиқча қисми албатта банкка топширилиши шарт қилиб белгиланган. Бу ҳолда, ҳам биз нақд пулнинг нақдсиз пулга айланганини кўрамиз, яъни банк кассасига топширилган нақд пуллар нақд пулни топширган корхонанинг ҳисобварағига ёзиб қўйилади.

³ Наврўзова К.,Ортиқов О. Банк ҳисоб ва тўлов тизими. Т.ТМИ-2005 й.

Тўлов оборотининг бошқа хусусиятларига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Тўлов обороти ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган ҳар хил муносабатларни ўзида акс эттиришга кўра 2 га бўлинади:

Биринчидан, товарларни сотиш жараёнидаги капитал кўринишдаги ҳисоб-китобларни акс эттирувчи тўлов обороти. Бундай тўлов обороти, бошқача қилиб айтганда, товарли ёки товар операциялари бўйича тўлов обороти дейилади. Бунда тўловлар нақд пул кўринишда ҳам, нақдсиз пул кўринишда ҳам амалга оширилади. Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги товар айирбошлаш ва қурилиш-монтаж ишлари жараёнидаги пулли ҳисоб-китоблар асосан нақдсиз пул кўчириш асосида бажарилади. Аҳоли гуруҳлари ўртасида корхона ва аҳоли ўртасидаги товар айирбошлашда нақд пул иштирок этиб, нақд пулли тўлов обороти юзага келади.

Иккинчидан, товар характерига эга бўлмаган пулли ҳисоб-китобларни амалга келтиради.

Тўлов оборотини яна иштирокчилар ва иштирокчиларнинг жойлашувига кўра ҳам, таснифлаш мумкин. Тўлов оборотининг иштирокчилари бўлиб марказий ва тижорат банклари, турли мулкчилик шаклига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар, аҳолининг турли қатламлари ҳисобланади. Мана шу иштирокчилар бир-бири билан турли операциялар бўйича муносабатда бўлади. Бу муносабат жараёнида улар бир шаҳар ичида ёки турли шаҳарларда жойлашган бўлиши мумкин. Агар тўлов оборотида қатнашган иштирокчилар битта шаҳар ичида жойлашган бўлса, бу оборот бир шаҳар ичидаги тўлов обороти дейилади. Агар иштирокчилар турли шаҳарларда, масалан, бири Андижонда, иккинчиси Самарқандда бўлса бундай тўлов обороти шаҳарлараро тўлов обороти дейилади. Лекин ҳозирги даврда тўлов обороти электрон тўлов тизими орқали жуда тез содир этилмоқда. Шу сабабли тўлов оборотини бундай бўлиш, бизнинг фикримизча, қандайдир чегарада ўз кучини йўқотмоқда.

II-боб. Ўзбекистон тўлов тизимида юзага келадиган дебитор-кредиторлик қарздорликлар ва уларни камайтиришнинг амалий ҳолати таҳлили

2.1. Ўзбекистон иқтисодий муносабатларида дебитор-кредиторлик қарздорликлар ва уларнинг таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашнинг шартларидан бири бўлиб ўзаро ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш ва молиявий интизомга қатъий риоя қилиш ҳисобланади.

Маълумки, корхона молиявий аҳволини мустаҳкамланишида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Дебиторлик қарзлари – корхонага бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг қарздорлиги.

Кредиторлик қарзлари – корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслардан қарздорлигини англатади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини товар характериға эға ва товар характериға эға бўлмаган қарзларға бўлинади.

Товар характериға эға бўлган дебиторлик қарзларига:

харидорларнинг жўнатилган товар (бажарилган иш, хизматлар) бўйича қарзлари;

таъминот ташкилотларининг товар-моддий захиралар, иш ва хизматлар учун олган аванслари бўйича қарзлари;

такдим этилган даъволар бўйича қарзлар киритилади.

Товар характерига эға бўлмаган дебиторлик қарзларига:

корхона ходимларининг меҳнат ҳақи ҳисобига ва хизмат сафарига берилган аванслар бўйича қарзлари;

Давлат бюджети, ижтимоий суғурта ва бюджетдан ташқари фондларнинг тўловлар бўйича аванслар бўйича қарзлари;

Таъсисчиларнинг устав капиталиға қуйилмалар бўйича қарзи;

Бошқа дебиторларнинг ҳисобланган фоизлар, дивидендлар, хизматлар ва бошқалар бўйича қарзлар киради.

Товар характериға эға бўлган кредиторлик қарзига корхоналарнинг олинган товарлар учун таъминот ташкилотларидан, харидорлардан олинган аванс бўйича, бошқа кредиторлардан бажарилган хизматлар учун (электроэнергия, сув таъминоти, газ таъминоти, алоқа, қўриклаш ва бошқалар) киритилади.

Товар характериға эға бўлмаган кредиторлик қарзларига корхонанинг кредит ва заёмлар бўйича давлат бюджети, хўжаликни ўз ходимлари, муассаса ва бошқа кредиторлардан бўлган қарзлар киради.

Бундан ташқари дебиторлик ва кредиторлик қарзлари жорий, кечиктирилган ҳамда корхонаға тааллуқли бўлмаган сабаблар бўйича вужудға келган қарзларға бўлинади.

Жорий қарзлар – корхонанинг жорий йилда тўлаши (олиши) лозим бўлган барча қарзларидир.

Корхонанинг кечиктирилган қарзларига ҳукумат ва улар контрагентларининг қарорига кўра тўлов муддати кечиктирилган қарзлар киради. Улар жумласига солиқ ва бошқа кечиктирилган тўловлар, кечиктирилган дисконт (чегирма) ва мукофотлар (кўшимчалар) ва бошқалар киради.

Корхонаға тааллуқли бўлмаган сабаблар бўйича вужудға келган қарзларға куйидагилар киради.

Ҳукумат қарорига асосан олдиндан ҳақ тўланмай жўнатилган (олинган) маҳсулот бўйича ҳосил бўлган қарзлар;

Давлат ресурслари ва фондларидан кўзда тутилган хом-ашё ва материалларнинг юкланиши бўйича ўтказилган бўнак (аванс) тўловлари суммаси;

Ҳукумат қарори бўйича муддати узайтирилган қарзлар;

Қонунчиликка мувофиқ қилинган даъволар бўйича суд жараёнида кўриб чиқиладиган қарзлар суммаси ёки хўжалик суди томонидан кредитордан ундириш тўғрисида чиқарган қарори.

Кейинги йилларда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришга қаратилган катор чоралар омалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги фармонида «Муддати ўтган дебиторлик қарзига йўл қўядиган корхоналарнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерларига катъий маъмурий ва моддий жавобгарлик айрим ҳолларда жиноий жавобгарликга тортиш чоралари қўлланилсин», дейилган.

Масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб ушбу фармонда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасига дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати тўғрисидаги, шу жумладан муддати ўтган қарзлар бўйича ойлик статистик ҳисоботни ишлаб чиқиш ва уни 1995 йил июл ойидан жорий этиш топширилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги фармонига биноан тижорат банкларининг раҳбарлари ҳам корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда хўжалик субъектларида муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ташқил бўлишига шахсан жавобгардирлар.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 февралдаги йиғилишида корхоналар молиявий ҳолатини соғломлаштиришнинг омилларидан бири бўлиб дебиторлик ва кредиторлик қарзлари эканлигини таъкидлаб бу борада кўрилган чораларга биноан 2000 йилда дебиторлик қарзлари 41 фоизга, кредиторлик қарзлари 58 фоизга камайганлигини таъкидлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси хўжаликларида кейинги йилларда кўпайиш тенденциясига эга

Вилоят хўжаликларида юқорида келтирилган катта хажмдаги дебиторлик қарзларига йўл қуйилиши корхоналарнинг маблағларини муомиладан чиқишига, ўз айланма маблағларининг етишмаслигига сабаб бўлади, натижада бу ўз маблағлари етишмаслиги туфайли кредиторлик қарзини ошишига олиб келади ва пировард натижада корхона молиявий аҳволини янада ёмонлашувига олиб келади.

Бундан ташқари дебиторлик қарзларини ошиб бориши туфайли айланма маблағларнинг айланиши сусаяди, харажатлар ортади, бу эса фойдани камайишига олиб келиб корхонани молиявий ахволига салбий таъсир этади.

Шунинг учун дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати доимо хўжалик раҳбари ва бош бухгалтернинг диққат эътиборида бўлиши лозим.

Корхоналар фаолиятидаги салбий ҳолатлардан бири бўлиб, юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатларга кўра муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари учун маъмурий, интизомий ва хатто жиноий жазолар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-2340 сонли фармонида биноан товарлар амалда юклаб жўнатилган, ишлар ва бажарилган хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун утгач, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21-сентябрдаги қарорига қура табиий газ етиштириб беришдаги мавсумийлик ва технологик жараёнлар хусусиятларидан келиб чикиб истисно тариқасида «Ўзтрансгаз» Акциядорлик компаниясига жўнатилган товар, бажарилган иш ва хизматлар курсатилган кундан бошлаб 120 кун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги қарорига қура марказлаштирилмаган экспорт операциялари бўйича тушумнинг келиб тушиш ёки қайтадан олиб кириш муддати божхона чегарасини кесиб ўтгандан сунг 60 кун, муассислар томонидан хориждаги корхоналар (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари ва бошқалар) манзилига олиб чиқиладиган товарлар бўйича 180 кундан

кечиккан тўловлар муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари булиб ҳисобланади.

Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича кредиторлик қарзи қонун ҳужжатларида белгиланган тўлов муддатлари тугаган кундан кейинги кундан бошлаб утказиб юборилган ҳисобланади.

Бошқа кредиторлик қарзлари бўйича ўтказиб юбориш муддати сўндиришнинг муайян муддатлари ҳўжалик шартномалари асосида белгиланади.

Корхоналар уртасида буладиган, шунингдек, кредит ташкилотлари ва назорат ташкилотлари уртасидаги ҳисоб-китоб тўловларида кечиктирилган вақт бўйича фаркланишлар келиб чиқади. Бунда корхона томонидан туланиши лозим бўлган мажбуриятлар **кредиторлик мажбуриятлари**, олиниси лозим бўлган мажбуриятлар эса **дебиторлик мажбуриятлари** ҳисобланади. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларига қуйидагича шарҳ бериш мумкин. Қарши томонга туланиши лозим бўлган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, қарши томондан олиниси лозим бўлган мажбуриятлар дебиторлик мажбуриятлари дейилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисоб-китобларнинг доимий йўлдоши ҳисобланади. Лекин тўлов муддатининг ошиб кетиши корхоналар молиявий ахволига катта таъсир утказади. Шу мақсадда корхоналар фаолиятини юритишда дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини тўғри бошқариш масаласига алоҳида аҳамият берилади.

Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларининг олдини олиш бевосита давлат назорати ва эътиборидаги масала ҳам ҳисобланади. Негаки, корхоналар ва ташкилотлар уртасида буладиган ўзаро муносабатларда мажбуриятларни тартиблаш асосида давлат нақд пул муомаласини бошқариш ва иқтисодий тадбирлар режасини тузиб чиқиш чора тадбирлари белгиланади.

Таҳлил этишнинг асосий мақсади - дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даврини тезлаштириш асосида корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгилашдан иборат. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича ҳисобот, маълумотнома ҳар ойнинг 1-санасида тузилиб, тегишли ташкилотларга топширилади. Ушбу маълумотномадан корхонанинг мажбуриятлар балансини ҳам тузиш мумкин.

Таҳлил этишда корхоналарнинг муайян даврга булган ўзаро дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатига, таркибига, ташкил топиш муддатларига, юзага чиқиш сабабларига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг оқланувчанлигига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича даргумон қарзларнинг юзага чиқишига баҳо берилади.

Бугунги бозор иқтисодиётига утиш шароитида корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ўрганишда молиявий таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб:

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага чиқиш сабабларини ўрганиш;
- корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатига баҳо бериш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш муддатлари бўйича таснифлаган ҳолда ўрганиш;
- дебиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- кредиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланувчанлигига баҳо бериш;
- муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мавжудлигини ва уларни тугатиш йўллариини ўрганиш;

- қарзларни камайтириш бўйича мавжуд имкониятларни курсатиб бериш ва хоказо.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўрганишда асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг «Бухгалтерия баланси» маълумотлари;
- «дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома»дан;
- бухгалтерия ҳисобининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини акс эттирувчи тегишли счёт маълумотлари.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бевосита корхона билан қарши томон уртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар корхона билан мол етказиб берувчилар ёки харидорлар уртасидаги муносабатларда, корхона билан банк ташкилотлар уртасида, корхона билан солиқ органлари уртасидаги, корхона билан ижтимоий таъминот булимлари ва турли жамоат ташкилотлари, шунингдек, ходимлар, мулк эгалари, акционерлар ва инвесторлар билан буладиган муносабатларда юзага келади. Уларнинг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб-китобларда вақтнинг ўзгарувчанлигидир. Яъни бугун ортилган маҳсулот ҳам пули тулангунга қадар, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар каторига киритилади. Бунда даромад ва харажатларнинг юзага чиқиши билан улар бўйича ҳисоб-китобларнинг амалга ошиши орасида фаркланиш келиб чиқади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келиши бўйича қуйидаги сабаб каторларини таркиблаш мумкин:

- ўзаро ҳисоб-китобларда томонларнинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги;
- товарларни ортиб жўнатиш ва сотишда ҳисоб-китобларнинг замонавий шакллариининг чекланганлиги;
- мулк ва унга эгалик қилишда масъуллиқ хиссининг йўқлиги;
- ўзаро шартномавий муносабатларнинг яхши йўлга қуйилмаганлиги;

— даромадларни тан олиш юзасидан корхоналар тармоқ хусусиятидан келиб чиқилмаганлиги;

— харажатлар таркибига кирувчи иш ва хизматларни ҳисобга олишда катъий ҳужжатлаштириш мезонларининг йўқлиги;

— ходимлар ва капитал эгалари билан корхона уртасидаги муносабатларда катъий шартларнинг йўқлиги;

— кредит ташкилотлари билан миқдор уртасида буладиган муносабатларда корхоналар фаолиятини баҳолашнинг услубий асосларидаги камчиликлар;

— суғурта ташкилотлари билан корхоналар уртасидаги муносабатларда катъий давлат қонунчилик механизмнинг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к. сабабларни киритиш мумкин.

Биз юқорида белгиллаган эдики, корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб-китобларда тўловлар муддатининг ёки санасининг турли ҳисобот даврига тушиб қолишидир. Бунда дебиторлик, кредиторлик мажбуриятларининг юзага чиқишига ҳар қандай ҳолда ҳам йўл қўйилади. Агарда маҳсулотлар ортиб жўнатиш орқали сотиладиган бўлса, бунда тўловлар амалга ошиш санасига қадар, агарда товарлар пулини олдиндан тўлаш асосида сотиладиган бўлса бунда ҳам товарларни жўнатиш санасига қадар мажбурият, қарз сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисобот, маълумотнома ҳар ойнинг 1-санасига тузилади ва тегишли ташкилотларга топширилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари корхона баланси, яъни ҳар чоракда тузиладиган корхона активлари, капитали ва мажбуриятлари ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда ҳам акс эттирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларига баҳо беришда уларни баланс ҳолатига келтириб ўрганиш ҳам мумкин бўлади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланси

улар орасидаги ўзаро тенглик нисбатини характерлайди. Бунда дебиторлик мажбуриятларининг кредиторлик мажбуриятларидан ортиб кетиши ёки аксинча ҳолатлари ифодаланади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари қаторига 2002 йил 27 декабрда тасдиқланган бухгалтерия балансида кўра қуйидаги каторлар киритилади:

Дебиторлар таркибига:

- харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси);
- ажратилган булинмаларнинг қарзи (4110);
- шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120);
- ходимларга берилган бўнақлар (4200);
- мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300);
- бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400);
- мақсадли давлат жамгармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500);
- таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар буиича қарзи (4600);
- ходимларнинг бошка операциялари бўйича қарзи (4700);
- бошка дебиторлик қарзлари (4800)

Кредиторлар таркибига:

- мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000);
- ажратилган булинмаларга қарз (6110);
- шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз (6120);
- солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240);
- олинган бўнақлар (6300);
- бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400);
- сугурталар бўйича қарз (6510);

- мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520);
- таъсисчиларга булган қарзлар (6600);
- меҳнатга ҳақ тулаш бўйича қарз (6700);
- бошқа кредиторлик қарзлари (6950 дан ташқари 6900).

Ҳисобот маълумотлари асосида «АВС» акционерлик жамиятининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари балансини таҳлил қилиб чиқишимиз мумкин бўлади. Маълумотлардан кўринадики, ўрганилаётган даврда корхонада жами дебиторлик қарзлари 136116 минг сўм булган бўлса, жами кредиторлик қарзлар эса 127554 минг сўмни ташкил этган. Яъни, дебиторлик қарзлари кредиторлик қарзларидан 8562 минг сўмга куп булган. Бу нисбатан ижобий ҳол бўлиб ҳисобланади. Дебиторлик қарзларининг асосий қисми «бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» 60609 минг сўмни ва «бошқа дебиторлик қарзлари» 67282 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, корхонада тўлов интизоми анча яхши йўлга қуйилган бўлиб, айниқса, давлат бюджетга олдида қарздор бўлиб қолмаслик учун солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловларини уз вақтида утқазиб боришга эришган.

Кредиторлик қарзлари таркибига ҳам эътибор берадиган бўлсак мажбуриятларнинг асосий салмоғини «мол етказиб берувчи ва пудратчиларга қарзлар» ташкил этмоқда. Бу эса акционерлик жамияти ўзининг мол етказиб берувчилари олдидаги мажбуриятларини етарли даражада амалга оширмаётганлигидан далолатдир. Демак, корхона ушбу мажбуриятларни қисқартириш чораларини кўриши лозим бўлади. Бошқа кредиторлик қарзлари эса 25039 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг тенглиги 136116 минг сўмни ташкил этган. Шундан соф дебиторлик мажбуриятлари суммаси 8562 минг сўмни ташкил этган.

1-жадвал

«АВС» акционерлик жамиятининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари⁴

Дебиторлик қарзлари	Сумма, минг сўм	Кредиторлик қарзлари	Сумма, минг сўм
1	2	3	4
харидорлар ва буюртмачи-ларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	6926	мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	90387
ходимларга берилган бў-наклар (4200)	—	ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	400
бюджетга солиқ ва йиғим-лар бўйича бўнак тўловла-ри (4400)	60609	шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз (6120)	5007
ходимларнинг бошқа опе-рациялари бўйича қарзи (4700)	—	солиқ ва мажбурий тўлов-лар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	6721
шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120)	1299	олинган бўнаклар (6300)	—
таъсисчиларнинг устав ка-питалига улушлар бўйича қарзи (4600)	—	суғурталар бўйича қарз (6510)	—
ажратилган бўлинмалар-нинг қарзи (4110)	—	мақсадли давлат жамғар-маларига тўловлар бўйи-ча қарз (6520)	—
мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300)	—	таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	—
мақсадли давлат жамғар-малари ва суғурталар бўйи-ча бўнак тўловлари (4500)	—	меҳнатга ҳақ тўлаш бўйи-ча қарз (6700)	—
бошқа дебиторлик қарз-лари (4800)	67282	бошқа кредиторлик қарз-лари (6950 дан ташқари 6900)	25039
Жами	136116	Жами	127554
Кредиторлик қарзлари-нинг дебиторлик қарз-ларидан ортиқчилиги	—	Дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларидан ортиқчилиги	8562
БАЛАНС	136116	БАЛАНС	136116

⁴ «АВС» акционерлик жамияти ҳисоботи маълумотлари

Умуман олганда, жами дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларидан ортиқча эканлиги корхона учун бирмунча ижобий деб баҳоланади. Чунки, олиши лозим булган қарзи берадиган қарздан кўпдир.

Таҳлилда муддати узайтирилган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишига алоҳида аҳамият берилади. Негаки, муддати утказиб юборилган мажбуриятлар корхонанинг молиявий ахволини мушкуллашиши ва барқарорлигининг бузилишига олиб келади. Ўз навбатида корхонанинг тўлов лаёқати бузилади.

Муддати утказиб юборилган мажбуриятларнинг юзага чиқиш сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- корхонада молиявий ҳолатнинг носоғлом эканлиги;
- корхонанинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги;
- ликвид маблағлари айланувчанлигининг узоқлиги;
- шартнома мажбуриятларига ва тўлов шартларига амал этмаслик;
- хўжалик шартномалари бузилишидан кўриладиган зарарларнинг тўғри копланмаслиги (шартномалар бузилишида кулланиладиган чораларга амал этмаслиги);
- замонавий ҳисоб-китоб шаклларига йўл берилмаганлиги ва хоказолар.

Дебиторлик-кредиторлик мажбуриятларининг ундириб олиш муддати 3 ой ёки 90 календар кун қилиб белгиланган. Ушбу муддатдан сунг дебиторлик, кредиторлик мажбуриятлари назоратга олинади ҳамда уларнинг ҳолати бўйича давлат қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик шартлари (маъмурий ва молиявий) белгиланган.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ҳисобдан чиқариш муддати сифатида ҳуқуқий шахслар ўртасида ҳам, корхона билан жисмоний шахслар ўртасида ҳам 3 йил муддат қилиб белгиланган. Ушбу муддатда тўланмаган ёки ундириб олинмаган мажбуриятлар, қарзлар корхона фойда ва зарарларига олиб борилади. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари давлат тамонидан назорат қатори сифатида олинган.

Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик мажбуриятлари корхона фойдасига қўшилади ва умумий асосда фойдадан солиқ ставкаси бўйича солиққа тортилади. Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларини зарарга олиб бориш солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтирмайди.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар қаторига олиб бориш шартлари давлат ҳисоб, солиқ қонунчилигига мувофиқ қатъий тартибланган. Яъни, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар қаторига олиб боришга қадар уларни тулаш ёки ундириб олиш юзасидан қандай ёзишмалар ёки мурожаатлар бўлган, арбитраж қарори чиқарилган ёки чиқарилмаганлиги ва ҳ.к. бўйича дастлабки ҳужжатлар тўплами тайёрланмоғи лозим. Фақат шундагина уни фойда ва зарарларқаторига олиб бориш мумкин. Акс ҳолда, зарурийлик шартида кечиктирилган мажбуриятлар сифатида олиниб, маъсуллар жавобгарликка тортилади.

Эркин иқтисодий муносабатлар шароитида ҳар бир ҳўжалик субъекти ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида албатта маълум даражадаги дебиторлик ёки кредиторлик қарздорликка йўл қўяди. Чунки, ишлаб чиқариш корхоналарида махсулотни етказиб бериш билан унинг тўлови уртасида доимо маълум бир фаркланишлар бўлиши табиийдир. Шу сабабли ҳам, дебиторлик қарзларининг таркибий тузилишини ва уларнинг вужудга келиш муддатларини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Дебиторлик мажбуриятлари таркиби деганда унинг юзага чиқиш қаторлари ёки ўрни тушинилади. Корхона баланси бўйича унинг қуйидаги қаторларини таркиблаб ўрганмиз. Харидор ва буюртмачиларга бўлган дебиторлик мажбуриятлари, ходимлар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик мажбуриятлари, иш ҳақидан ажратмалар юзасидан дебиторлик мажбуриятлари, солиқлар ва турли бошқа тўловлар бўйича дебиторлик мажбуриятлари ва ҳ.к.

Шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таркибида муддати ўтган, тўлов муддати келган ва тўлов муддати ўтмаган мажбуриятларни алоҳида таркибланиш мумкин.

Муддати ўтган ва тўлаш муддати келган мажбуриятлар алоҳида-алоҳида ҳисобга олинадилар ва бошқариладилар. Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятлар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотномада алоҳида қаторланадилар. Уларнинг республика ичкарасидаги корхоналар ва республикадан ташқаридаги корхоналар уртасида муддати ўтган мажбуриятларга ажратиш мумкин. Муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар корхона молиявий ҳолатини оғирлаштирувчи асосий сабаб фактори сифатида олинадилар ва муҳим эътибор бериладилар.

Таҳлил этишда дебиторлик мажбуриятларининг ҳажми, таркиби ҳамда вужудга келиш муддати бўйича ўрганиш асосида уларнинг ҳолатига, айланивчанлик даражасига, дебиторлик қарзлари билан боғлиқ бўлган молиявий ҳолат кўрсаткичларига баҳо бериладилар.

2-жадвал маълумотлари асосида «АВС» акционерлик жамиятининг дебиторлик қарзларининг таркиби, тузилиши ва вужудга келиш муддатларига баҳо бериладилар. Маълумотлардан кўринадиларки, корхонадаги жами дебиторлик қарзлари 136116 минг сўм бўлган бўлса, шундан, асосий қисми яъни 92101 минг сумлиги ёки 67,67 %и бир ойгача булган дебиторлик қарзларидир. Бир ойдан икки ойгача булган дебиторлик қарзлари 28937 минг сумми ёки 21,25 %ини ташкил қилмоқда. Икки ойдан уч ойгача булган дебиторлик қарзлари 10740 минг сумми ёки 7,89 %ини ташкил қилган. Яъни 90 кунгача булган дебиторлик қарзлари жами дебиторлик қарзларининг 96,81 % ини ташкил қилмоқда. Қолган 3,19 % дебиторлик қарзларининг муддати ўтган бўлиб ҳисобланмоқда. Демак, корхона маъмурияти мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш чораларини ҳамда муддати ўтган қарзларни бартараф этиш йўллариини излаб топиши лозим.

«ABC» акционерлик жамиятининг дебиторлик қарзлари таҳлили⁵

Дебиторлик мажбуриятлари моддалари	Давр охирига жами	Шу жумладан юзага чиқиш муддатлари бўйича				
		1 ойгача	1 ойдан 2 ойгача	2 ойдан 3 ой- гача	3 ойдан 1 йил- гача	1 йил- дан ортиқ
1	2	3	4	5	6	7
1. Харидорлар ва бу- юртмачиларнинг қарзи	6926	4582	1432	510	402	—
2. Ходимларга берил- ган бўнақлар	—	—	—	—	—	—
3. Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари	60609	41238	14587	3763	1021	—
4. Ходимларнинг бош- қа операциялари бўйи- ча қарзи	—	—	—	—	—	—
5. Шуъба ва қарам хў- жалик жамиятлари- нинг қарзи	1299	298	468	367	166	—
6. Таъсисчиларнинг устав капиталига улуш- лар бўйича қарзи	—	—	—	—	—	—
7. Ажратилган бўлин- маларнинг қарзи	—	—	—	—	—	—
8. Мол етказиб берув- чи ва пудратчиларга берилган бўнақлар	—	—	—	—	—	—
9. Мақсадли давлат жамғармалари ва су- гурталар бўйича бўнақ тўловлари	—	—	—	—	—	—
10. Бошқа дебиторлик қарзлари	67282	45983	12450	6100	1491	1258
Жами	136116	92101	28937	10740	3080	1258

Дебиторлик мажбуриятлари ёки қарзлари таҳлилида уларнинг айланивчанлигига алоҳида эътибор берилади. Негаки, дебиторлик ва

⁵ «ABC» акционерлик жамияти ҳисоботи маълумотлари

кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик даражаси корхона молиявий ахволига баҳо беришнинг муҳим курсаткичлардан бири ҳисобланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги деганда қарз мажбуриятларини ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиш коэффициента тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга айланиш даражасини характерлайди.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги сотишдан олинган тушумни дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасига булиш асосида аниқланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг календар кунига купайтириш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига булиш асосида дебиторлик қарзларининг айланишлар кунни аниқланади.

3-жадвал

«АВС» акционерлик жамиятининг дебиторлик қарзлари айланиши⁶

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Жами дебиторлик мажбуриятлари, минг сўм	53266	136116	+82850
2. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	1452513	3040381	+1587868
3. Жорий активлар, минг сўм	531756	689066	+157310
4. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари, минг сўм	3257	4338	+1081
5. Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти (2/1)	27,269	22,337	-4,932
6. Дебиторлик қарзларининг айланиш даври, кун ҳисобида (1·360/2)	13	16	+3
7. Жорий активлари таркибида дебиторлик қарзлари улуши, % (1/3·100)	10,02	19,75	9,73
8. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари улуши, % (4/1·100)	6,11	3,19	-2,92

⁶ «АВС» акционерлик жамияти ҳисоботи маълумотлари

Маълумотлардан кўринадик, ўрганилаётган даврда биз таҳлил қилаётган «АВС» акционерлик жамиятида дебиторлик мажбуриятларининг ҳолати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 82850 минг сумга ошган, яъни дебиторлик мажбуриятлари ўтган йилга нисбатан деярли 2,5 маротабага купайган. Айтиш керакки, маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1587868 минг сумга ўсганлигини кузатиш мумкин. Бунинг таъсирида дебиторлик мажбуриятларининг ундирилиш даври ўтган йилга нисбатан 3 кунга узайган. Яъни дебиторлик мажбуриятларининг ундириб олиниши бирмунча секинлашган. Дебиторлик қарзлари айланишининг секинлашуви асосан қарзларнинг соф тушумга нисбатан ўсишининг юқорилиги ҳисобига булган. Яъни, корхонада жорий йилда дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан 4,932 коэффициентга қисқарганлигини ҳам кўриш мумкин. Жорий даврда дебиторлик мажбуриятларининг жами жорий активлари таркибидаги салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,73 % га ортиши аввало дебиторлик мажбуриятлари суммасининг ортиши ҳисобига руш берган. Бундай натижалар корхона учун нисбатан салбий деб баҳоланади ҳамда корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Шундай бўлсада, жорий даврда корхонанинг муддати ўтган дебиторлик қарзларининг жами дебиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи ўтган йилнинг шу давридаги 16,11 % дан жорий даврнинг охириги ҳисобот санасига 3,19 % га пасайганлигини ижобий баҳоламоқ лозим бўлади.

Юқоридаги боғланишлардан бевосита дебиторлик мажбуриятларининг айланишига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини ҳам аниқлашимиз мумкин.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффициенти ва айланиш даврига омиллар таъсири қуйидагича булган. Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан 4,932 коэффициентга қисқарган.

«ABC» акционерлик жамиятининг дебиторлик қарзлари айланиши омилли таҳлили⁷

Кўрсаткичлар	Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффи-циенти	Дебиторлик мажбуриятла-рининг айла-ниш даври, кун ҳисобида
1	2	3
1. Ўтган йил	27,269	13
2. Шартли ҳисобот йили	57,079	6
3. Ҳисобот йили	22,337	16
Жами фарқ	-4,932	+3
Таъсир этувчи омиллар:	xxx	xxx
а) сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши (2-1)	+29,810	-7
б) дебиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши (3-2)	-34,742	+10

Бу ўзгаришда маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши таъсирида дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти +29,810 коэффицентга, дебиторлик қарзлари хажмининг ўзгариши ҳисобига эса айланиш коэффиценти —34,742 коэффицента камайган. Хар иккала омил таъсирида айланиш коэффиценти -4,932 коэффицентга ўзгарган. Ушбу омиллар таъсири дебиторлик қарзларининг айланиш даври кўрсаткичи бўйича куйидагича булган. Яъни, сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳисобига ўзгариш —7 кунга, дебиторлик мажбуриятлари суммасининг усиши ҳисобига +10 кунга ўзгариш кузатилган.

⁷ «ABC» акционерлик жамияти ҳисоботи маълумотлари

$$\text{Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш коэффициенти} = \frac{\text{Сотишдан олинган соф тушум ҳақиқатда Дебиторлик мажбуриятлари ўтган йил шу даври бўйича}}{\text{Сотишдан олинган соф тушум ҳақиқатда Дебиторлик мажбуриятлари ўтган йил шу даври бўйича}}$$

$$\text{Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш даври} = \frac{\text{Дебиторлик мажбуриятлари ўтган йил шу даври бўйича} \times 360}{\text{Сотишдан олинган соф тушум ҳақиқатда Дебиторлик мажбуриятлари ўтган йил шу даври бўйича}}$$

Кредиторлик мажбуриятлари карши томонга корхонанинг тулайдиган мажбуриятларини характерлайди. Биз юқорида унинг таркибига нималар киришини ва уларнинг юзага келиш сабабларини айтиб ўтган эдик. Кредиторлик мажбуриятлари юзага чиқишининг асосий сабаби сифатида бевосита дебиторлик мажбуриятларининг вақтида келиб тушмаслигини ҳам таъкидлаш мумкин.

Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби таҳлилида қарздор булган томонлар бўйича мажбуриятларнинг каторланиши, уларни тулаш муддатлари бўйича таркибланишига баҳо берилади. Шунингдек, дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффициенти ва айланиш даврини аниқлашдаги каби бунда ҳам кредиторлик мажбуриятларининг айланиши коэффициенти ва даври аникланади. Лекин, бунда катнашувчи кўрсаткичлар фаркланади. Кредиторлик мажбуриятларининг айланишини ўрганишда асосий кўрсаткичлар сифатида насияга олинган ёки хали пули туланмаган моллар, ашёлар, иш ва хизматлар суммасига ҳамда кредиторлик мажбуриятларининг ҳақиқий кўрсаткичларига мурожаат килинади.

Кредиторлик мажбуриятларини таҳлил этишда уларнинг юзага келиш урни, муддати ва таркибига алоҳида аҳамият каратилмоги лозим. Муддати ўтган кредиторлик қарзларга йўл куйилиши корхонага нисбатан турли иқтисодий огохлантиришларнинг кулланилишига, иқтисодий жарималарга ҳамда корхонага булган ишончнинг пасайишига олиб келади.

Кредиторлик мажбуриятларининг тўлаш муддатлари бўйича куйидаги таркибини бериб ўтиш мумкин:

- тўлаш муддати келган мажбуриятлар;
- тўлаш муддати утиб кетган мажбуриятлар.

Йил календар даврининг тақрими бўйича кредиторлик мажбуриятларининг куйидаги шакллари бериш мумкин:

- 1 ойгача булган мажбуриятлар;
- 1 ойдан 2 ойгача булган мажбуриятлар;
- 2 ойдан 3 ойгача булган мажбуриятлар;
- 3 ойдан 6 ойгача булган мажбуриятлар;
- 6 ойдан 1 йилгача булган мажбуриятлар;
- 1 йилдан ортиқ муддатга булган мажбуриятлар.

5-жадвал

«АВС» акционерлик жамиятининг кредиторлик қарзлари таркиби ⁸

Кредиторлик мажбуриятлари модалари	Давр охирига жами	Шу жумладан юзага чиқиш муддатлари бўйича				
		1 ойгача	1 ойдан 2 ойгача	2 ойдан 3 ойгача	3 ойдан 1 йилгача	1 йилдан ортиқ
1	2	3	4	5	6	7
1. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	90387	51423	12196	15713	10023	1032
2. Ажратилган бўлинмаларга қарз	400	312	56	32	—	—
3. Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз	5007	4019	872	101	15	—
4. Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	6721	4198	2103	420	—	—
5. Олинган бўнақлар	—	—	—	—	—	—
6. Суғурталар бўйича қарз	—	—	—	—	—	—
7. Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз	—	—	—	—	—	—
8. Таъсисчиларга бўлган қарзлар	—	—	—	—	—	—
9. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	—	—	—	—	—	—
10. Бошқа кредиторлик қарзлари	25039	18728	1289	3217	1805	—
Жами	127554	78680	16516	19483	11843	1032

⁸ «АВС» акционерлик жамияти ҳисоботи маълумотлари

Корхонада жами кредиторлик қарзларининг ҳисобот даври охирига булган ҳолати 31001 минг сумни ташкил қилган. Шундан 1 ойгача булаган кредиторлик қарзлари 19520.8 минг сумни, 1 ойдан 2 ойгача булган кредиторлик қарзлари суммаси 7258.1 минг сумни, 3 ойдан 6 ойгача булган кредиторлик қарзлари суммаси 2700 минг сумни ташкил қилган. Муддати ўтказиб юборилган лекин ундирилмаган кредиторлик қарзлари суммаси 540 минг сумни ташкил қилган.

Кредиторлик қарзларининг ҳолатига уларнинг айланиш даражаларини ўрганиш асосида тулик баҳо бериш мумкин. Кредиторлик қарзлари айланувчанлиги бўйича қуйидаги боғланишлар жадвалини келтириб ўтиш мумкин.

6-жадвал

«АВС» акционерлик жамиятининг кредиторлик қарзлар айланиши таҳлили⁹

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+, -)
1	2	3	4
1. Жами кредиторлик мажбуриятлари, минг сўм	249458	127554	-121904
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, минг сўм	929608	2168322	+1238714
3. Жами мажбуриятлар, минг сўм	258047	163147	-94900
4. Кредиторлик қарзларининг муддати ўтгани, минг сўм	19856	12875	-6981
5. Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти, (2/1)	3,726	16,999	+13,273
6. Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кун ҳисобида (1•360/2)	97	21	-76
7. Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзлари улуши, % да (1/3•100)	96,67	78,18	-18,49
8. Муддати ўтган кредиторлик қарзларининг жами кредиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи, % да (4/1•100)	7,96	10,09	+2,13

⁹ «АВС» акционерлик жамияти ҳисоботи маълумотлари

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида биз таҳлил қилаётган «ABC» акционерлик жамиятида кредиторлик қарзларининг айланишига баҳо беришимиз мумкин бўлади. Маълумотлардан кўриниб турибдики, корхонада кредиторлик қарзлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121904 минг сумга қисқарган. Бунга аксинча, сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари эса жорий йилда 1238714 минг сумга ўсган. Буларнинг натижасида корхонада кредиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти ўтган йилги 3,726 коэффициентдан ҳисобот йилига келиб 16,999 коэффициентгача кутарилган. Яъни кредиторлик қарзларининг айланивчанлиги бир неча маротабага тезлашган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий баҳоламоқ лозим. Бундан ташқари кредиторлик қарзларининг айланиш даври ўтган йилги 97 кундан ҳисобот йилига келиб 21 кунгача қисқарган.

7-жадвал

«ABC» акционерлик жамиятининг кредиторлик қарзлари айланиши омилли таҳлили¹⁰

Кўрсаткичлар	Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти	Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кун ҳисобида
1	2	3
1. Ўтган йили	3,726	97
2. Шартли ҳисобот йили	8,692	41
3. Ҳисобот йили	16,999	21
Жами фарқ	+13,273	-76
Таъсир этувчи омиллар:	xxx	xxx
а) сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннарининг ўзгариши (2-1)	+4,966	-56
б) кредиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши (3-2)	+8,307	-20

¹⁰ «ABC» акционерлик жамияти ҳисоботи маълумотлари

Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзларининг салмоғи ҳам жорий йилда 18,49 % га камайганлигини ижобий баҳоласак бўлади. Аммо, муддати ўтган кредиторлик қарзларининг салмоғи жорий йилда 2,13 % га ортганлигини салбий баҳоламоқ лозим бўлади. Чунки, бундай ҳолат корхонанинг иқтисодий жарималар тўлашига олиб келади ва молиявий ҳолатига салбий таъсир этади. Кредиторлик қарзларининг айланишига бир қатор омиллар таъсир қурсатган бўлиб, ушбу таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвалда кўриб чиқишимиз мумкин бўлади.

Жадвал маълумотларидан кўринадик, корхонада кредиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти ўтган йилга нисбатан жорий йилда 13,273 коэффицента ошган. Бу ўзгаришда сотилган маҳсулот таннархининг ўзгаришининг таъсири +4,966 коэффицентга, кредиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши эса +8,307 коэффицентга тенг бўлган. Кредиторлик қарзларининг тўлаш муддати ўтган йилга нисбатан 76 кунга тезлашган. Бу ўзгаришда маҳсулотлар таннархининг ёки сотиб олинган қийматликлар ва хизматлар суммасининг ўзгариши таъсири 56 кунга, кредиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши эса 20 кунга тенг бўлган. Бундай натижалар корхонанинг тўлов қобилиятини яхшиланаётганлигидан далолат беради.

2.2. Нотўловлар муаммоси ва уни бартараф этиш амалий ҳолати таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажариш иқтисодиётнинг турли соҳалари фаолиятининг зарур шартидир. Корхона, ташкилот, банклар ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар муаммоси доимо долзарб шу билан бирга ҳал этилиши қийин бўлган муаммолардан бири бўлиб қолади. Чунки товар жўнатиш ёки хизмат кўрсатиш билан унга пулни тўлаш вақти бир-бирига тўғри келмайди. Бу эса дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага келтириб чиқаради.

Бундай қарзлар ўз вақтида ёпилмаса узайтирилган дебеторлик ёки ноқонуний қарзлари пайдо бўлади.

Маълумки, ноқонуний кредиторлик, шу билан бирга муддати узайтирилган дебеторлик қарзлари ҳажмининг ортиши, нотўловлар ҳолатининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу эса шу мамлакат иқтисодининг изчиллик билан ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва тўсқинлик қилади.

Кредиторлик қарзлари - бу бирлашма, корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан вақтинча жалб қилинган ва мувофиқ равишда юридик ва жисмоний шахсларга қайтарилиши лозим бўлган пул маблағларидир. Мажбуриятлар ва тўлов муддатлари доирасидаги кредиторлик қарзлари қонуний қарзлардир.

Ҳисоб-китоб ва тўлов тартиблари бузилганда ноқонуний кредиторлик қарзлари вужудга келади. У айланма маблағлари режадан ташқари тақсимланганлигини билдиради. Харидор ва буюртмачиларнинг ўзаро мажбуриятларга нисбатан бефарқлик билан қарашлари ва улар томонидан шартнома шартларига риоя қилинмаслиги дебеторлик ва кредиторлик қарзлари вужудга келишининг асосий сабабидир. Корхона балансида муддати ўтган қарздорликларнинг мавжудлиги салбий аломат бўлиб ҳисобланади, чунки бу ҳолда корхона балансининг таркиби ёмонлашади. Бунда жалб этилган маблағларга эҳтиёж кучаяди. Муайян бир ҳўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширмасликлари нотўловлар занжирининг пайдо бўлишига олиб келади. Ушбу нотўловлар занжирига нафақат заиф, молиявий жиҳатдан лаёқатсиз корхоналар, шу билан бирга кучли ва тўловларга лаёқатли, молиявий жиҳатдан мустаҳкам бўлган корхона ва ташкилотлар ҳам боғланиб қолишлари мумкин.

Эҳтиёж кам бўлган, омборларда меъёридан ортиқ тўпланиб қоладиган, рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг келиб чиқишига олиб

келади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг меъёридан ортиқ миқдорда омборларда йиғилиб қолиши, корхона айланма маблағларининг музлаб қолишига, кўзланган фойда миқдорининг камайишига, натижада, корхона молиявий аҳволининг ёмонлашувига олиб келади. Бу эса нотўловлар муаммосини келтириб чиқаради.

Нотўловлар муаммосини келтириб чиқарувчи кўплаб омилларни келтириш мумкинки, улар қаторига нарх сиёсати, солиқ сиёсати, нормадан ортиқ бўлган инфляция даражаси ва бошқаларни киритиш мумкин. Шу билан бирга ўзаро қарздорликларни келтирувчи асосий сабаблар қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

1. Иқтисодиётда тўлов воситаларининг етарли эмаслиги;
2. Ҳисоб-китоблар учун энг қулай тўлов воситалари сифатида ҳозирги кунда амалиётда ишлатилаётганларига қўшимча равишда, мамлакатимизда айрим сабабларга кўра бекор қилинган чек ва векселларни ишлатилмаслиги;
3. Корхона айланма маблағларининг инфляция шароитида маълум миқдорда қадрсизланиши.
4. Мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулоти доимо харидоргир бўлмаганлиги сабабидан сотишнинг қийинлиги;
5. Маркетингнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;
6. Корхоналарни солиққа тортиш механизми камчиликлари мавжудлиги оқибатида айланма маблағларининг йўқотилиши.

Бу сабабларни давом эттириш мумкин. Лекин асосий масала ўзаро қарздорликларни тўлиқ йўқотиб бўлмайди. Аммо уларнинг умумий суммасини қисқартириш мумкин.

Республикаимизда ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан мана шу қарздорликлардир. Бу масала Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ҳамда республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш билан боғлиқ турли йиғилишлари доимо кўриб чиқилади. Шунингдек, иқтисодиётда ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш ва

қарздорлик муаммолари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. 1996 йил 24 январдаги "Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларини бажариш мақсадида, тўловларнинг ўз вақтида ўтказилиши ва вакиллик ҳисобварағларининг аҳволи устидан доимий назорат ўрнатишни таъминлаш хусусидаги вазифалар белгилаб берилган. Тижорат банкларига белгилаб берилган бир қатор вазифалар билан биргаликда Марказий банкнинг бош бошқармаларига тижорат банкларининг жойлардаги ҳар бир бошқармаси ва бўлимларида йил давомида камида 1 марта Давлат солиқ бошқармаси билан келишилган, мувофиқлаштирилган текширувлар режасига мувофиқ дебетор-кредитор қарзлар юзасидан текширувлар ўтказиш топширилган.

Тижорат банклари мижозлар билан "Банк-ҳисобварағини юритиш бўйича шартнома" тузишда бир қатор ньюансларни эътиборга олишлари лозимлиги белгилаб берилган:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳар ойнинг 6 кунига ички идоравий ўзаро қарзларнинг суммасини алоҳида қаторда ажратган, барча муддати ўтган кредиторлик ва дебеторлик қарзларининг юзага келиш санаси ва уларни ундириб олиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни кўрсатган ҳолда оператив маълумотларни тақдим этиш.

2. Ҳар чоракда тақдим этилаётган баланс билан бирга 2-шаклдаги "Дебеторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома"ни тақдим этиш тўғрисидаги банд мавжуд бўлиши шарт.

Корхона ва ташкилотлардан оператив, ойлик ва чораклик баланс маълумотларини, муддати ўтган дебеторлик қарзларига солиштириш далолатномаларини талаб қилиниши, маълумотларни тақдим қилинаётган мижозларга нисбатан қандай чоралар кўрилаётганини, олинган маълумотларни таҳлил қилиб ўрганилишини кўриб чиқиш лозим. Тўлов ҳужжатларида яъни тўлов талабнома, топшириқномаларида хўжалик

субъектлари томонидан юборилаётган маҳсулот ҳақининг олдиндан тўланаётган миқдори тўғрисидаги ёзув мавжудлиги текширилиши керак. Хўжалик органларида дебиторлик қарзлари ҳолати бўйича ўтказилган текшириш далолатномаларининг сифатини кўриш ва текширишда аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича кўрилган чораларни ўрганиб чиқишлари лозим.

Ҳозирги кунда банклар томонидан нотўловларни қисқартириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари филиаллари томонидан 2-картотекадаги тўлов ҳужжатлари мунтазам равишда инвентаризация қилиниб борилади ва унинг натижасида нотўғри кўйилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари аниқланиб, миждозларга қайтарилмоқда.

Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг 2000 йил 13 январдаги "Корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги баённомаси талабларини бажарилишини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатилаётган миждозлар билан ҳамкорликда мақсадли тўлов схемалари ишлаб чиқилди ва шу схемалар асосида бир кунлик кредитлар ажратилади ҳамда факторинг хизматлари кўрсатилади. Схема асосида кредитлар бериш 23202-сонли махсус ҳисобрақам орқали амалга оширилади. Корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор ва кредиторлик қарздорликларини қисқартириш учун тижорат банклари томонидан аниқ мақсадлар учун кредит бериш ва факторинг хизматини кўрсатиш қуйидаги схема асосида амалга оширилади:

Кредит берган банкнинг номи
52000
«А»
52000
«Б»
52000
«Б»
52000
Кредит қайтиб келган банкнинг номи

3-расм. Схема бўйича ҳисоб-китоблар¹¹

Ушбу схема бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва қарздорликларни камайтириш учун берилган сумма шу куни яна банкка қайтиб келади. Схема бўйича тўловларни ўтказиш учун инициатор банк томонидан бир қатор ҳужжатлар унга хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилади.

1.Схема бўйича бўладиган икки томонлама ҳисоб-китобларда корхона ёки ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан ҳужжатда қўйилган имзо ҳамда шу корхонанинг ёки ташкилотнинг муҳри банкдаги мавжуд худди шу корхона ёки ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси ва муҳри намунаси билан мос келиши керак.

2.Хўжалик субъекти томонидан банкка тақдим қилинган ҳужжатларда кўрсатилган хизмат тури яъни юклаб жўнатилган маҳсулот, товар, бажарилган ишлар юзасидан келиб чиққан дебеторлик қарздорлиги аниқ кўрсатилиши лозим.

3.Тайёрланган схема тижорат банкларининг бошқарувчилари томонидан тасдиқланади ва улар ўз миждозларининг дебеторлик ва кредиторлик қарздорлиги тўғри расмийлаштирилганлиги юзасидан жавобгар бўлиб ҳисобланади.

¹¹ Наврўзова К.,Ортиқов О. Банк ҳисоб ва тўлов тизими. Т.ТМИ-2005 й.

4. Аниқ мақсадга йўнатирилган схемада корхона ёки ташкилотнинг номи аниқ кўрсатилиши керак. Агар корхона ёки ташкилотнинг раҳбар ўринбосари томонидан схемага имзо қўйилган бўлса, у ҳолда имзо қўйган шахснинг мансаби ва фамилияси схемада тўлиқ кўрсатилиши лозим.

Умуман, схема бўйича кредитлаш натижасида корхона ва ташкилотларнинг фаолияти яхшиланади, уларнинг ўзаро қарздорликлари камайишига ёрдам беради.

Биз юқорида банклар томонидан дебетор ва кредитор қарздорликларни камайитириш бўйича қандай тадбирларни ўтказишлари мумкинлигини кўриб

чиқдик. Лекин хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари ҳам бундай қарзларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Муддати ўтган қарзларни олдини олиш усулларининг ҳар бирини пухта билиш бу борада амалга оширилган ишларнинг самарали бўлиши учун етарли эмасдир, балки муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда бирор усулларни тадбиқ этиш кетма-кетлигини чуқур англаш лозим.

Сотувчи ва харидор ўртасида узоқ муддатли шартномаларнинг ва алоқаларнинг мавжуд бўлганлигига қарамай, сотувчи ўз навбатида харидорнинг тўлов қобилияти, молиявий натижалари ва умумий аҳволи ҳақида мунтазам равишда маълумотга эга бўлишга интилиши лозим. Сотувчи ўз навбатида харидор билан узоқ муддатли ҳамкорликка тайёрлиги ва харидорнинг муваффақиятли ривожланиши тарафдорлигини билдириб туриши мақсадга мувофиқдир. Шунда харидор ҳам сотувчига нисбатан дўстона муносабатда бўлади ва сотиб олинган товарлар учун тўловларни кечиктириш мумкин бўлган сабабларни сотувчидан яширмайди. Муддати ўтган қарздорликни вужудга келишини олдини олишнинг энг мақбул ва замонавий усулларида бири, бу сотувчи ва харидорнинг қарздорликни бирга бартараф этишни амалга оширилишидир.

Шундай қилиб, юзаки қараганда қанчалик асоссиз бўлиб туюлса ҳам сотувчи ва харидор орасидаги ҳамкорлик ҳамда дўстона муносабатлар муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш ва вужудга келишининг олдини олишдаги энг тезкор ва самарали йўл бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик фаолиятида учрайдиган ҳамма ҳолатларни ҳисобга олиш кийин. Шунинг учун, қуйида санаб ўтилган муддати ўтган қарздорликни вужудга келишининг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари тадбиркорларга мавжуд муаммони ҳал этишда ўз иш стратегиясини ишлаб чиқишда қўл келади. Чунки капиталнинг айланиш тезлигини ошириш ва харидорларнинг қарздорлигини камайтириш тадбиркорлик фаолиятининг асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланади.

Ушбу муаммони атрофлича ва систематик равишда кўриб чиқиш мақсадида, хўжалик фаолиятида учрайдиган барча ҳолатларни катта блокларга бўлиш мумкин:

I Сотувчи ва харидор орасида узоқ муддатли муносабатларга асосланган хўжалик алоқалари (хом-ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмларни етказиб бериш);

II Хом-ашё материаллар, бутловчи қисмлар етказиб бериш ва бажарилган хизматларни бажариш учун жисмоний шахслар билан тузилган якка шартномалар;

III Етказиб берилаётган асбоб-усукуналар, транспорт воситалари, ҳисоблаш ва бошқа техникани харидорлар асосий фондлар сифатида ишлатиш ҳоллари.

Ҳар бир блоклар бўйича алоҳида вазиятларни кўриб чиқамиз.

A. Сотувчи ва харидорлар орасида узоқ муддатли кооперацияга асосланган хўжалик алоқалари (хом-ашё, материаллар, ярим фабрикатлар, бутловчи қисмларни етказиб бериш);

Ушбу ҳолат учун, икки томонлама яхши алоқалар, шерикларни бир-бирини яхши билишлари, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик аломатлари хосдир. Бунда, кейинчалик ҳам ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга

ошириш ҳамда товароборотни кўпайтириш мақсадида, аввалам бор сотувчининг манфаатини кўзлаган ҳолда, харидорларга нисбатан олдиндан тўлаш, бўнак тўловлари ва ҳатто аккредитив каби тўлов шакллари ишлатилиши тавсия этилмайди.

Б. Хом-ашё, материаллар, бутловчи қисмлар етказиб бериш ва бажарилган хизматларни бажариш учун тузилган якка шартномалар;

Ушбу турдаги хўжалик алоқаларида, сотувчи ва харидор ўзаро олди-сотди операцияларини биринчи маротаба амалга оширадилар, айниқса бундай ҳолатлар янги тузилган ташкилотлар билан кузатилади. Шунинг учун сотувчи ўз харидори ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмайди. Бундай ҳолатларда қуйидаги кўрсатилган усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, ҳозирги кунда нотўловлар, энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу муаммони бартараф этишнинг ягона йўли йўқ. Нотўловлар, яъни дебеторлик ва кредиторликни қарздорликнинг умуман йўқ қилиш мумкин бўлмай уларни камайитириш бўйича ҳар бир ҳолатда алоҳида йўлни танлаш нафақат алоҳида хўжаликлар, балки бутун иқтисодиёт учун фойдалидир.

III-боб. Ўзбекистонда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайитириш ва уни иқтисодий аҳамияти

2012 йилда Ўзбекистонда **96,6** трлн. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилиб, унинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан **8,2** фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари:

- иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги;

- фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида фаол инвестиция сиёсатининг юритилаётганлиги;

- бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган дастурий вазифаларнинг ўз вақтида бажарилаётганлиги;

- реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодиётда солиқ юкини пасайтириш ва бошқа қатор имтиёзларнинг жорий этилаётганлиги;

- молия-банк тизимида берилаётган эътибор ва унинг натижасида соҳанинг барқарор ривожланиб бораётганлиги эвазига эришилмоқда.

2012 йилда **саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан **7,7** фоизга ошди ва **50,7** трлн. сўмни ташкил этди. Саноатда юқори ўсиш суръатлари озиқ-овқат (ўсиш суръати 6,5 фоиз), машинасозлик ва металл қайта ишлаш (12,4 фоиз), қурилиш материаллари (11,0 фоиз) ҳамда енгил саноат (12,0 фоиз) тармоқларида кузатилди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ёқилғи ҳамда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатларининг улуши юқори бўлиб, мос равишда 18,3 ва 17,0 фоизни ташкил қилди.

2012 йилда **қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини** ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилга нисбатан **7,0** фоизга ошиб, **24,4** трлн. сўмни ташкил қилди.

Хусусан, деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш 7,0 фоизга, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш эса 7,1 фоизга ошди. Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоизга ўсиб, 7,9 трлн. сўмни ташкил қилди.

Ўтган йилда **кўрсатилган хизматлар ҳажми** 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52,0 фоиздан зиёдни ташкил қилди.

Жумладан, молиявий хизматлар (17,6 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (24,5 фоиз), туризм (17,6 фоиз), маиший (21,5 фоиз) ҳамда савдо ва умумий овқатланиш (16,1 фоиз) хизматларини кўрсатиш юқори суръатларда ўсди.

Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда **чакана товар айланмасининг** 2011 йилга нисбатан 13,9 фоизга ўсиши кузатилди.

2012 йилда республика банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар” Дастури ҳамда республика молия-банк тизимини ривожлантиришга оид бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан:

- банк назорати тизимини янада такомиллаштириш, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш билан боғлиқ тадбирларни давом эттириш;

- мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёр, андоза ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш амалиётини кенгайтириш;

- тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш орқали янада ошириш;

- тижорат банклари активларини, шу жумладан, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини ошириш;

- тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш, улар базасида ташкил этилган янги корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш ишларини янада фаоллаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш учун узок муддатли кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш;

- халқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда 29 та тижорат банки фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 3 таси давлат-тижорат банки, 13 таси акциядорлик-тижорат банки, 9 таси хусусий банк ва 4 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади.

Республикамизда фаолият юритилаётган барча банк муассасалари сони 9 551 тага етди, жумладан, банкларнинг филиаллари 829 тани ташкил этди.

Республикамизнинг ҳар 100 мингта катта ёшли аҳолисига йил якунига ўртача 49,7 та банк муассасаси хизмат кўрсатди, бу эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464 сонли Қарори

билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан “юқори” баҳога мувофик келади.

Республикамизда банк инфратузилмасининг кенгайиб бориши банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошишига хизмат қилмоқда.

Инкирозга қарши чоралар дастури, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармонларида белгиланган вазифаларнинг ижроси изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан жами 168 та иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилинган бўлиб, ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида банклар томонидан 388 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди ҳамда фаолияти тикланган корхоналарнинг 120 таси янги мулкдорларга 919,3 млрд. сўмга сотилди.

Бугунги кунда тижорат банклари балансидаги фаолияти тикланган корхоналарни янги мулкдорларга сотиш ишлари олиб борилмоқда ҳамда 11 та корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича технологик линияларни тиклаш, қурилиш-таъмирлаш, янги ускуналар ўрнатиш ва модернизациялаш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, банклар балансига олинган ҳолда фаолияти тикланган корхоналарда жами 1,7 трлн. сўмлик маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилди ва шундан, 480,0 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шунингдек:

- маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга жами 978,2 млрд. сўм;

- ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 1 трлн. 41,3 млрд. сўм;

- имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан 42,3 млрд.сўм;

- халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари ва грантлари ҳисобидан 181,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

2012 йил мобайнида:

- оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 97,8 млрд. сўм;

- хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадларига 491,7 млрд. сўм;

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олишга жами 77,6 млрд. сўм;

- мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантиришга 339,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, Халқ банки ҳамда Микрокредитбанк томонидан 2012 йилда Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармасининг (Германия) “Хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш бўйича қайта тикланувчи кредит жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги тадбиркор аёлларга бошланғич капитални шакллантириш учун 267,8 минг евро миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар – банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, муомалага чиқарилган банк карточкалари сони 9,5 млн. донага, чакана савдо ва пуллик хизмат

кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони эса қарийб 112,7 мингтага етди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини аниқлаш учун скоринг-таҳлил қилиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва ушбу таҳлилни амалга ошириш йўлга қўйилди.

Юқорида амалга оширилган ишлар натижасида банк тизимининг барқарорлиги таъминланмоқда ва унинг воситачилик роли кенгаймоқда ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифати янада ошиб бормоқда.

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони - 531,0 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони -495,4 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,3 фоизини ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг (фермер хўжаликларисиз) асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 25,4 фоизи), қишлоқ хўжалиги (21,1 фоизи), саноат (13,3 фоизи) ва қурилиш (7,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,6 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 50,9 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,0 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 20,8 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида утказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармонларини бажариш борасида муайян ишлар олиб борилаётганлигига қарамасдан, дебиторлик-кредиторлик қарзларини бошқариш оғир ахволда қолмоқда.

Жумладан 2004 йил 1 январ ҳолатига кура муддати ўтган дебиторлик қарзлари 156,7 млрд сумни, кредиторлик қарзлари эса 229,6 млрд сумни ташкил этган. Энг оғир томонишуки, уларни ундиришнинг иқтисодий асоси йил сайин оғирлашиб бормокда.

Дебиторлик-кредиторлик қарзларини битта дастур ва уни назорат қилиш асосида уддалаб бўлмайди. Бунинг учун бевосита кенг камровли дастур ишлаб чиқиш лозим.

Бизнинг фикримизча дебиторлик-кредиторлик қарзларининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақбулдир:

- ўзаро шартномавий муносабатларда томонларнинг масъуллига ва уларнинг шартнома шартларига қатъий амал этиши;
- муддати утказиб юборилган ҳар қандай тўловлар суммаси бўйича ҳуқуқий жавобгарлик шартларини белгилаш;
- ҳисоб-китобларнинг замонавий шаклларида фойдаланиш;
- даргумон қарзлар бўйича резервлар ташкил қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Хулоса

Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаб бориш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг стратегик вазифаларидир. Фақат шунинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, жаҳон бозорида муваффақиятли рақобатлашиш мумкин. Албатта, бу борада кўпгина ишлар қилинмоқда, аммо чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодий тизим ҳар соҳасида янгича ёндашувни чуқур ва самарадорлик нуктаи назаридан фикр юритишни талаб этади.

2012 йилда Ўзбекистонда **96,6** трлн. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилиб, унинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан **8,2** фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари:

- иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги;

- фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида фаол инвестиция сиёсатининг юритилаётганлиги;

- бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган дастурий вазифаларнинг ўз вақтида бажарилаётганлиги;

- реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодиётда солиқ юкини пасайтириш ва бошқа қатор имтиёзларнинг жорий этилаётганлиги;

- молия-банк тизимига берилаётган эътибор ва унинг натижасида соҳанинг барқарор ривожланиб бораётганлиги эвазига эришилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва ажралмас тузилмаларидан бири ҳисобланувчи банклар тизими ва тўлов тизими доимо ўзоро боғлиқ шаклда ривожланиб келган. Шу билан бирга, банклар иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китобларни амалга ошириш, хўжалик субъектларини кредитлаш, капиталларни қайта тақсимлашда воситачи сифатида иштирок этиш, миқдорларга бошқа турли хизматлар кўрсатиш орқали меҳнат унумдорлигини ҳамда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга амалда ёрдам кўрсатадилар.

Эркин рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат мулки ягона бўлмаган ҳолда, ривожланаётган турли мулкчилик шаклларига асосланган товар ишлаб чиқариш ва товар муомаласининг мавжудлигидир. Товар муомаласи мавжуд экан, у ўз навбатида корхона ва ташкилотлар ўртасида пулли муносабатларни, яъни ҳисоб-китобларни келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажариш иқтисодиётнинг турли соҳалари фаолиятининг зарур шартидир. Корхона, ташкилот, банклар ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар муаммоси доимо долзарб шу билан бирга ҳал этилиши қийин бўлган муаммолардан бири бўлиб қолади. Чунки товар жўнатиш ёки хизмат кўрсатиш билан унга пулни тўлаш вақти бир-бирига тўғри келмайди. Бу эса дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага келтириб чиқаради. Бундай қарзлар ўз вақтида ёпилмаса узайтирилган дебеторлик ёки ноқонуний қарзлари пайдо бўлади.

Маълумки, ноқонуний кредиторлик, шу билан бирга муддати узайтирилган дебеторлик қарзлари ҳажмининг ортиши, нотўловлар ҳолатининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу эса шу мамлакат иқтисодининг изчиллик билан ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва тўсқинлик қилади.

Ҳисоб-китоб ва тўлов тартиблари бузилганда ноқонуний кредиторлик қарзлари вужудга келади. У айланма маблағлари режадан ташқари тақсимланганлигини билдиради. Харидор ва буюртмачиларнинг ўзаро мажбуриятларга нисбатан бепарқлик билан қарашлари ва улар томонидан шартнома шартларига риоя қилинмаслиги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари вужудга келишининг асосий сабабидир.

Бизнинг фикримизча дебиторлик-кредиторлик қарзларининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақбулдир:

- ўзаро шартномавий муносабатларда томонларнинг масъуллига ва уларнинг шартнома шартларига қатъий амал этиши;
- муддати утказиб юборилган ҳар қандай тўловлар суммаси бўйича ҳуқуқий жавобгарлик шартларини белгилаш;
- ҳисоб-китобларнинг замонавий шаклларида фойдаланиш;
- даргумон қарзлар бўйича резервлар ташкил қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Бизнингча, назарий ва амалий тадқиқотларимиз натижасида чиқарган хулоса ва таклифларимиздан Ўзбекистон тўлов интизомини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, фикр-мулоҳазаларимиз олий таълим муассасаларида назарий ва амалий билимларимиз сифатини оширишда ўз самарасини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”
2. “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1995 йил 26 декабр.
3. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 25 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни, 2005 йил 25 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни 2005 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон имзо тўғрисида”ги Қонуни, 2004 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул массасини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 2002 йил 30 март.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2008 йил 20 феврал ПФ-3968.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2006 йил 3 август ПҚ-433.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2007 йил 7 ноябр.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини

фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2007 йил 12 июл ПҚ-670.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2008 йил 23 март ПҚ-822-сонли
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2009 йил 6 апрел.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2010 йил 19 апрелда ПҚ-1325-сонли.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2007 йил 21 май ПҚ-640-сонли.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2010 йил 26 ноябр ПҚ-1438-сонли.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2002 йил 5 август №280-сонли.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2004 йил 24 сентябр 445-сонли.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида”ги, 1344-сонли Низом, 2004 йил 30 апрел.
20. И.А. Каримов “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”. Тошкент “Ўзбекистон” 2005 йил.
21. И.А. Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари”. Тошкент “Ўзбекистон” 2009 йил.
22. И.А. Каримов “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Тошкент “Ўзбекистон 2010 йил.
23. И.А. Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Тошкент “Ўзбекистон” 2011 йил.
24. И.А. Каримов “2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Тошкент “Ўзбекистон” 2012 йил.
25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2013 йил 19 январ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг

меъёрий ҳужжатлари:

26. “Тижорат банклари томонидан банк карталарини муомалага чиқариш ва уларнинг муомаласи тўғрисида”ги Низом, 2004 йил 1344-сонли.
27. “Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом, 2005 йил 1470-сонли.
28. “Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом, 2009 йил 27 июлда 1986-сонли.

29. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Йўриқнома 2002 йил 12 январ 11/22.

Дарслик ва ўқув адабиётлари:

30. Абдуллаева Ш.З. “Банк иши”. Тошкент “Молия-иқтисод” 2010 йил.
31. Абдуллаев Ё.А., Қоралиев Т.М. “Банк иши”. Тошкент “Молия-иқтисод” 2010 йил.
32. Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар “Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида” (Экспресс-проспект). Тошкент “Иқтисодиёт” 2009 йил.
33. Белоглазова Г.Н. “Банки и банковское дело”. Питер 2008.
34. Лаврушин О.И. “Банковское дело”. Экспресс – курс. Москва “Кнорус” 2009.
35. Наврўзова К.Н. “Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника”. Тошкент “Молия-иқтисод” 2010 йил.
36. Муллажонов Ф. “Ўзбекистон Республикаси банк тизими”. Тошкент “Ўзбекистон” 2012 йил.
37. Ходиев ва бошқалар “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиз” ва “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма”. Тошкент “Иқтисодиёт” 2010 йил.

Даврий нашрлар ва ҳисоботлар:

38. “Банк тизимидаги замонавий технологиялар”. Банк ахборотномаси 2012 йил 11 январ №1.
39. “Пластик карточкалар тизими ривожига эътибор”. Банк ахборотномаси 2013 йил 30 январ №5.
40. Ақромов Б. “Электрон тўловлар тизимининг жадал ривож (аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар учун)”. Бозор, пул ва кредит 2013 йил

№188.

41. АЖ “ABC” йиллик молиявий ҳисоботлари.

Интернет сайтлари:

www.bankir.ru

www.state.us

www.ser.uz.

www.nbu.com

www.tfi.uz

www.bir.uz

www.bma.uz

www.cbu.uz

www.finance.uz

www.review.uz

www.gov.uz

Илова

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг
2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига
6-сонли илова, ЎЗР АВ томонидан 2003 й.
24 январда рўйхатга олинган N 1209

Приложение N 6
к Приказу министра финансов
от 27 декабря 2002 г. N 140,
зарегистрированному МЮ
24 января 2003 г. N 1209

ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТНОМА - 2а-сонли шакл

20 ____ йил ____ ҳолатига

СПРАВКА О ДЕБИТОРСКОЙ И КРЕДИТОРСКОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТЯХ - форма N 2а

по состоянию ____ 20 ____ г.

Корхона, ташкилот
Предприятие, организация

Тарм
ок
Отрасль

Ташкилий-ҳуқуқий шакли
Организационно-правовая форма

Мулкчилик шакли
Форма собственности

Вазирлик, идора ва бошқалар
Министерства, ведомства и другие

Солиқ тўловчининг идентификацион раками
Идентификационный номер
налогоплательщика

Худуд
Территория

Манзил

Адрес
Ўлчов бирлиги, минг сўм

Единица измерения, тыс. сум.

КТУТ бўйича-
по ОКПО-

ХХТУТ бўйича-
по ОКОНХ-

ТҲШТ бўйича-
по КОПФ-

МШТ бўйича-
по КФС-

ДБИБТ бўйича-
по СООГУ-

СТИР
ИНН-

МҲОБТ-
СОАТО-

Жўнатилган
сана-

Дата высылки-
Қабул қилинган
сана-

Дата
получения-

Такдим қилиш
муддати-

Срок
представления-

N	Дебитор ва кредиторлар рўйхати Перечень дебиторов и кредиторов	Умумий қарз Общая задолженность		Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган қарзлар Задолженность, образовавшаяся по причинам, не зависящим от предприятий шу жумладан / в том числе:							
				Жами Всего	Ундан муддати ўтган Из нее просроченная	Хукумат қарорларига асосан олдиндан ҳақ тўламай жўнатилган (олинган) маҳсулотлар бўйича қарзлар Задолженность по продукции, отгруженной (полученной) без предоплаты по решениям Правительства		Давлат ресурслари ва жамғармаларидан жўнатиш кўзда тутилган хом ашё ва материаллар бўйича ўтказилган бўнақ тўловлари суммаси Сумма перечисленных авансовых платежей, по которым предусмотрена отгрузка сырья и материалов из государственных ресурсов и фондов		Хукумат қарорлари бўйича кечиктирилган қарзлар Задолженность, отсроченная по решениям Правительства	Қонунчиликка мувофиқ даъволар бўйича суд жараёнида кўриб чиқиладиган ёки ҳўжалик суди томонидан кредиторлардан ундирилган тўғрисида қарор чиққан қарзлар суммаси Сумма задолженности, по которой в соответствии с законодательством идет процесс судебного разбирательства по предъявленным искам или вынесено решение хозяйственного суда о взыскании с кредитора
		жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная			жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная	жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ ДЕБИТОРСКАЯ ЗАДОЛЖЕННОСТЬ											
1	Дебиторлар, жами Дебиторы, всего										
2	Республика ичидаги қарзлар, жами Задолженность внутри республики, всего										
2.1	шу жумладан дебиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям дебиторов										
2.2	Ички идоравий қарзлар, жами Внутриведомственная задолженность, всего										
2.2.1	шу жумладан дебиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям дебиторов										
3	Республикадан ташқаридаги қарзлар, жами Задолженность за пределами республики, всего										
3.1	шу жумладан										

	дебиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям дебиторов										
КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ КРЕДИТОРСКАЯ ЗАДОЛЖЕННОСТЬ											
4	Кредиторлар, жами Кредиторы, всего							X	X		
5	Республика ичидаги қарзлар, жами Задолженность внутри республики, всего							X	X		
5.1	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов							X	X		
5.2	Ички идоравий қарзлар, жами Внутриведомственная задолженность, всего							X	X		
5.2.1	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов							X	X		
6	Республикадан ташқаридаги қарзлар, жами Задолженность за пределами республики, всего							X	X		
6.1	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов							X	X		

Рахбар
Руководитель

(Ф.И.О)

(имзо / подпись)

М.Ў / М.П.

Бош бухгалтер
Главный бухгалтер

(Ф.И.О)

(имзо / подпись)